

ТТА малака ошириш Тармоқ марказида ўқув, ўқув-услубий, илмий ва тарбиявий ишларининг ҳолати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги *“Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тadbирлари тугрисида”*ги ПФ-4732-сонли фармони қабул қилинди. Умумий ҳажми 288 соатга мулжалланган Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари профессор-ўқитувчиларнинг касбий ва педагогик даражасини мунтазам ошириш имконини беради. Олий таълим муассасалари педагог кадрлари, идоравий мансублигидан қатъий назар, уч йилда камида бир марта малака оширишнинг тегишли йуналишлари бўйича малакасини оширади.

Тармоқ марказида ҳозирги кунда **10 та** йуналишлар: “Даволаш иши” (Терапия), (Хирургия), “Тиббий биология”, “Педиатрия”, “Стоматология”, “Фармация”, “Саноат фармация”, “Тиббий профилактика”, “Харий тиббиёт” ва “Олий ҳамширалик иши” йуналишлар бўйича профессор-ўқитувчиларни ўқитиш йулга қуйилган. Ушбу йуналишлар бўйича **12та** янги модуллар ишлаб чиқилди ва ҳар бир модул учун янги ўқув услубий қўлланмалар яратилди.

Тармоқ марказига келган тингловчилар малака ошириш курсларида ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари қўлланилади: маъруза, интерактив семинарлар, амалий машғулотлар, кўчма машғулотлар, тажриба алмашиши, мустақил ўқиш, педагогик амалиёт, лойиҳа ишини ҳимоя қилиш. Маърузаларни тажрибали ва юқори малакали профессор-ўқитувчилар олиб боришади, уларнинг таркибида Ўзбекистон ФА Академиклари, Тиббиёт академиясининг юқори тажрибага эга профессорлари, фан докторлари ва фан номзодлари жалб қилинган. Семинар ва амалий машғулотларини юқори даражада ташкил қилиш мақсадида Тошкент тиббиёт академиясининг таянч кафедралари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари сайёр машғулотлар, мустақил ўқишлар ташкил этиш учун **18 та** Тошкент шаҳридаги етук илимий текшириш марказлари, ишлаб чиқариш корхоналари, хусусий клиникалар билан икки тамонлама шартномалар тузулган. Ҳар бир малака ошириш курсларига тингловчилар билиминини янада ошириш мақсадида хорижий етук Давлатлардан соҳа мутахассислари жалб қилинади ва тингловчилар учун семинар-тренинглар, масстер класслар ташкил қилинади. Малака ошириш курси охирида тингловчилар Тошкент тиббиёт академияси ректори бўйруғи билан **47 та** профил кафедраларига педагогик амалиёт учун юборилади ва кафедра мудири раҳбарлигида амалиёт утайдилар.

Малака ошириш курслари якунлангандан сўнг тингловчилар курсни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома - давлат намунасидаги аттестатка эга бўлишади.

Тармоқ марказининг тингловчилари Тошкент тиббиёт академияси кутубхоналаридан ва мутахассисликлар бўйича кафедралардаги ўқув-услубий қўлланмалардан тулиқ фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳозирги кунга келиб тошкент тиббиёт академияси кутубхоналарида **3000** дан ортик таълимга дойр адабиётлар, мутахассисликлар бўйича машғулотлар учун **100** дан ортик маърузалар матнлари, тарқатма материалларнинг электрон шакллари мавжуд.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ маркази Тошкент тиббиёт академиясининг www.tma.uz сайтида ва Бош илмий-методик Марказнинг www.bimm.uz сайтида узининг алоҳида саҳифасига ва www.motm.tma.uz веб-сайтига эга.

Бундан ташқари марказ тингловчиларининг малака ошириш курсларидан ташқари ўқиш давомидаги вақтларини мароқли ўтгазиш учун тингловчиларга маънавият соати ташкил қилинган. Тингловчилар Ўзбекистон миллий кутубхонасига, Темурийлар музейига, “Шаҳидлар майдони” ва “Қатағон Қурбонларни Хотираси” музейига, тиббиёт музейларига ташриф буюришади ва бундан ташқари тингловчиларга санъат арбоблари билан учрашувлар ўтгазилади.

Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ маркази Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи ўқув

биносида жойлашган, ўзининг моддий-техник базасига эга. Марказда жами **11** хона мавжуд, маъмурий хоналар сони **4** та, ўқув аудиториялар сони **8** та, жами компьютерлар сони **77** та шулардан компьютер хонасида **28** та стационар ва **23** та ноутбук мавжуд уларнинг барчаси интернет тармоғига уланган, **6** та видеопроектор, **2** та монитор ҳамда **2** та интерактив доскалар мавжуд.

Директор:

У.А.Ташкенбаева